
Бағдодда умумий жиноятчилик камайишига эришилди

Бағдодда жорий йилнинг дастлабки 3 оyi давомида умумий жиноятчилик кўрсаткичи камайишига эришилди. Бу ҳақда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Фахриддин Хайитов маълум қилди.

Таъкидланишича, шу йилнинг январь-март ойлари давомида туман ҳудудида 75 нафар шахс томонидан 106 та жиноят содир этилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 114 та (88 нафар шахс томонидан)ни ташкил қилган. Камайиш - 7,02 фоиз.

Таҳлилларга кўра, қасддан одам ўлдириш (-1), оғир тан жароҳати етказиш (-2), босқинчилик (-1), фирибгарлик (-5), безорилик (-5), ўрта оғир тан жароҳати етказиш (-6), енгил тан жароҳати етказиш (-6) каби жиноятлар сезиларли даражада камайган. Шунингдек, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 11 тага, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2 тага камайгани ва аёллар томонидан бирорта жиноятга қўл урилмагани ҳам эътиборга молик.

- Бироқ, ўғирлик (+1), қалбаки ҳужжат тайёрлаш (+4), ўқотар қурол сақлаш (+2), мулкни талон-торож қилиш (+1), ўлимсиз йўл-транспорт ҳодисаси (+5) сингари жиноятларнинг ўтган йилга нисбатан ошгани ҳамда судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 8 тага ошгани барчамизни бирдек ташвишга солиши керак, - дейди Ф.Хайитов.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-23 18:46:51